## ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ



# ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ НЕГА ТУПРОҚҚА ҚОРИШДИ?

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

**«Икки йилдан бери Янгийўл туманидаги Н. Ниёзов номли ширкатлар уюшмасида ижарачи деҳқон сифатида фаолият юритаман, — деб ёзади ўз хатида Р. Ёқубов. — Мақсадларим катта эди. Лекин фермерлик ҳаракати йўлида ҳали сунъий тўсиқлар кўп экан. Бултур акам Ёқубов Холматжон билан ижарага 14 гектар ер олиб, пахта етиштирдик. Экинни парваришлаш, ҳосилни йиғиб-териб олиш даврида шахсий техникамиз йўқлиги панд берди. Натижада шартнома режаси бажарилмади. Бу уюшма раиси Ваҳобжон Зуфаровга «дастак» бўлди ва еримизни бошқа кишига олиб берди.**

**1998 йилда оилавий пудрат туздик. Бизга пахта учун 5 гектар, майда экин учун 0,7 гектар ер ажратилди. Ўзим, турмуш ўртоғим ва уч нафар фарзандим эрта кўкламдан бошлаб пахта даласида меҳнат қилдик. Жамоа хўжалиги фақат биринчи чопиқда ёрдам берди. Қолган ҳамма ишни ўзимиз бажардик. Лекин қўлимиз пул кўргани йўқ. Йил давомида 10 кило пахта ёғи олдик, холос. Бу аҳволда тирикчилик ўтказиб бўладими?**

**Шу йил сентябрь ойида «Ўзбекистон овози» газетасига мурожаат қилиб, қонуний меҳнат ҳақимни ундириб беришда ёрдам сўрадим. Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди. Вилоят ва тумандан келган комиссия хўжаликда текшириш ўтказиб, анча-мунча камчиликларни аниқлади. Мен ўшанда узоқ сафарда эдим, барини кейин билдим. Тўғри гап туққанингга ёқмайди. Газетага шикоят ёзишим В. Зуфаровнинг нафсониятига теккан бўлса керак, мендан ўч олиш пайига тушди...»**

Шикоятчининг даъвосида жон борми? Ушбу саволга ойдинлик киритиш учун уюшма раиси ва мутахассислар билан суҳбатлашдик. Айни масалага нисбатан уларнинг фикри турлича бўлди.

— Очиғи, Расулжон акада ҳеч қандай хусуматим йўқ, — деди В. Зуфаров. — У киши илгари савдо соҳасида ишлаган. Деҳқончиликда тажрибаси кам. Карамзорнинг шудгорланишига келсак, бу бизнинг хатоимиз. Хунук иш бўлган. Ҳисоб-китобини чиқариб беришсин, етказилган зарарни тўлаймиз. **(Ажаб, кимнинг чўнтагидан? — Н. Т.)** Нима қилайлик, бизда ҳам шудгорлаш режаси бор. Юқоридан талаб қилишаяпти...

— Айтинг-чи, бу ҳақда шахсан кўрсатма берганмисиз?

— Мен далада ҳосил борлигини билмаганман.

— Қўл остингиздаги мутахассислар айтишмаганми?

— Иш кўп, ташвиш кўп. Қайси бири ёдда туради, дейсиз. Ўзи, мен бошдаёқ бу одамга ер берилишига қарши бўлганман. Чунки бирон жойда ёлчитиб ишлагани йўқ. Сал қаттиқроқ гапирсанг, ёза-ёзга тушади. Битта маҳаллада яшаймиз. Аёли — касалманд. Сарф-харажати кўп. Шуни ўйлаб, ёзда галладан бўшаган майдондан 47 сотих ер ажратиб берганмиз. Бошқалар етиштирган ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олди. Ёқубовга ҳам бу ҳақда бир неча бор айтилган. Ишонмасангиз, ана, одамларимиздан сўранг.

Бош ҳосилот Й.Исмоиловнинг бизга берган тушунтириш хатидан:

**«Мен шу йил 17 ноябрь куни Р. Ёқубовга учрашиб, кечки карамни йиғиштириб олиш, тезроқ ерни бўшатиш ҳақида огоҳлантирганман. Лекин у қулоқ солмади, бу ишни 25 ноябргача чўзиб келди. Жамоа хўжалигида ҳайдов тракторлари бўлмаганлиги учун Янгийўл МТПсидан 4 та «Магнум» ёрдамга чақирилган эди. Уларнинг ҳар соати — фалон пул. Муддат зиқ эди. Далани бира-тўла ҳайдовдан чиқариш учун 25 ноябрдан 26 ноябрга ўтар кечаси Р. Ёқубовга қарашли карамзорни қўшиб шудгорлашга мажбур бўлинди».**

Бош муҳандис И. Тошматовнинг тушунтириш хатидан:

**«Ижарачи Р. Ёқубов ҳамма гапдан яхши хабардор. 25 ноябрь куни карам масаласини яна бир марта эслатдим. У киши икки-уч кун муҳлат сўради. Лекин бунинг иложи йўқ эди. Тунги соат 23 ларда тракторлар ҳайдовга солиб юборилди. Бошқа нарсадан хабарим йўқ».**

Бош иқтисодчи А. Нурматовнинг эслатмасидан:

**«Расул Ёқубов ўз ишига пухта одам. Ўтган йили акаси билан ижарага берилган 14 гектар майдоннинг 3 гектарига қовун-тарвуз экиб, мўмайгина даромад олишган. Бу йил ҳам «ҳақи»ни қолдирмади. Ўзига ажратилган 70 сотих ерга полиз экканди. Янгийўл бозорида ёзи билан қовун-тарвуз сотди. Буни кўпчилик тасдиқлаши мумкин. Пахта режасини сўрасангиз, бетингизга сапчийди. Ҳар бир ижарадор хўжалик аъзоси бўлиши керак. Расул ака бу ҳақда ариза бермаган. Кадрлар бўлимида меҳнат дафтарчаси ҳам йўқ. Демак, у уюшма аъзоси эмас».**

Майли, шундай деб фараз қилайлик. У ҳолда Ёқубов билан қандай усулда ҳисоб-китоб қилинган, қайси асосга кўра, 1997-1998 йиллар мобайнида унга иш ҳақи ёзилган? Бу ёғи ҳам қизиқ. Маълум бўлишича, хўжаликдаги 200 дан зиёд ижарачилар бригада таркибида фаолият юритади. Уюшма маъмурияти билан ана шу бригада бошлиқлари ўртасида йиллик шартнома имзоланган. Табелга кимни киритиш, кимга қанча ҳақ белгилаш — уларнинг ихтиёрида. Бошқача айтганда, ижарачи ўзича мустақил эмас. Бу ҳол амалдаги қонунларга қанчалик мос — билмадик. Расулжон аканинг ўзи бировларга ишониб алданганини, уюшма раиси номига ёзган аризаси 3-бригада бошлиғи Э. Нурсаидов (ҳозир собиқ) қўлида қолиб кетганини айтади.

Кези келганда яна бир ҳақиқатни тилга олиш жоиз. Хўжаликни иқтисодий жиҳатдан ночор, деб бўлмайди. Уч йилдирки, ишлаб чиқариш соҳасидаги режалар ошиғи билан бажарилмоқда. Жорий йилда 500 гектар ерда ғўза ўстирилиб, давлатга 1300 тоннадан зиёд хомашё сотилди. Меҳнат аҳлининг омборида дони, хумчасида мойи бор. Терим даврида 5 млн. сўмдан зиёд нақд пул тарқатилди.

Буларнинг ҳаммаси, албатта, яхши. Гап бошқа ёқда. Бозор шароитида ишлаб чиқариш муносабатларини қонуний асосда ташкил этиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Хўжаликдаги аҳвол билан танишгач, айни шу масалада ўзибўларчилик ва юзакичиликка йўл қўйилаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Шартномалар номигагина тузилади. Уларнинг ижроси устидан қатъий назорат йўқ. Бизга 1998 йил учун бригада бошлиқлари билан тузилган шартнома нусхасини тақдим этишди. Унда аҳдлашув вақти, куни кўрсатилмаган. Бошқарув раисининг имзоси ҳам йўқ. Бундай шартнома бирон-бир юридик кучга эга бўла олмаслигини наҳотки мутахассислар билишмаса? Юқоридагидек машмашаларнинг келиб чиқишига бозор талаблари ва қонуниятларини менсимаслик асосий сабаб эмасмикан?!

Ер — умумхалқ мулки. У дахлсиз бўлиши керак. Ёз ойида галладан бўшаган майдонларнинг бир қисми хўжалик аъзоларига такрорий экин экиш учун ажратиб берилган. «Бу ҳақда бошқарув кенгашининг қарори борми?» деб сўраганимизда, мутасаддилар тайинли жавоб қайтаришолмади. Эслатилганидек, Р. Ёқубовга тегишли 47 сотих карамзор ҳам ана шу ҳисобдан. Сентябрь охирларида, яъни «текшир-текшир»лардан кейин, уюшма бош иқтисодчиси унга шартнома нусхасини имзолатиш учун олиб боради.

**«Мен бу ҳужжатга имзо чекмадим, — дея фикрини давом эттиради Р. Ёқубов. — Чунки белгиланган муддатнинг асосий қисми ўтиб бўлганди. Ҳозирга довур қўлимда ижарачилик мақомини кафолатлайдиган юридик ҳужжат йўқ. Шунинг учун керакли жойларга бориб ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилолмайман. Ёзда буғдойзордан ажратилган ер учун хўжалик ҳисобига 9 минг сўм ўтказиш лозимлигини айтишди. Менда бунча нақд пул йўқ эди. «Йилнинг саккиз ойига 125 иш куни ҳисобидан бизга 24602 сўм маош ёзилган. Ўшандан чегириб қолинглар», дедим. Кўнишмади. Шундан сўнг ҳосилнинг ярми ҳисобидан 4200 кг. карам топшириш мажбуриятини юклашди. Ўзимча чамалаб кўрдим: ҳар килоси ўн сўмдан сотилганда ҳам, бу — 42000 сўм пул бўлади. Энди меники тутди. Хўжаликка карам топширишни истамадим. 9000 сўм қаёқдаю, 42000 сўм қаёқда?»**

Кўринадики, бу ўринда ҳар икки томон ўзича ҳақ. Ўртадаги «пинҳона» тортишув охир-оқибат кўнгилсизлик билан тугади. Балки, бу иш атайлаб, қасддан қилинмагандир. Биз инсон шаъни, нафсонияти, тақдири билан ўйнашиб бўлмаслигини таъкидламоқчимиз, холос. Зотан, йўлбошчимиз айтганларидек, одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, бироқ адолатсизликка чидаёлмайди. Моддий зарарнинг ўрни-ку, эртами-кечми, қопланар. Аммо ижарачи Р. Ёқубов ва унинг оиласи бағрига тош бўлиб отилган маънавий жароҳатнинг давоси борминкин?..

Илтимосимизга кўра, 28 ноябрь куни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан таклиф этилган бир гуруҳ мутахассислар карамзорни қарич-ма-қарич ўлчаб, агрономик ҳисоб-китоб ўтказишди. (Қўлимизда тўрт киши имзолаган далолатнома мавжуд). Қилса бўлар экан. Меҳнат, таннарх, харажат — ҳаммаси чўтга солинди. Пировардида ушбу пайкалда 9400 кг. ҳосил етиштирилган, деган тўхтамга келинди. Бу — ўртача бозор баҳосида 84600 сўм дегани. Текшириш жараёнида иштирок этган Р. Ёқубов мутахассисларнинг хулосасидан қониқмади. Унинг ўз ҳисоб-китоби бор.

— Бу менга тўғри келмайди. 15 минг туп карам кўчати экканман. Ҳар тупи 2 килодан тош босганда ҳам 30 тонна бўлади. Янгийўл бозорида кечки карамнинг нархи 5 сўмдан 15 сўмгача. Майли, беш минг тупидан воз кечдим. Ўн минг туп карам учун ўртача бозор баҳосида ҳақ тўланглар. Охирги талабим шу. Бошқа шартга кўнмайман.

Ижарачи ҳозирча ана шу фикрида собит турибди. Нима ҳам дердик. Бу — унинг ҳуқуқи.

Кези келганда туман ҳокимлигининг мазкур воқеага муносабати хусусида икки оғиз сўз. Биз Р. Ёқубовнинг шикоятини икки кун давомида ўргандик. Сиртдан қараганда арзимасдек бўлиб туюлган бу иш анчагина вақтни олди. Текшириш якунлари ҳақида фикрлашиш ҳамда хатда кўтарилган масалани ҳал этиш учун ҳокимбуванинг ҳузурига уч марта бордик. Ҳар гал қабулхонага бош суққанимизда «Эсиз, ҳозиргина далага чиқиб кетувдилар-а», дейишарди силлиққина қилиб. (Ҳокимнинг мафкура масалалари бўйича ўринбосари Б. Тўраев гапимизни тасдиқласа керак. Чунки у киши икки кун мобайнида биз билан бирга эди).

Туман ҳокими Й. Тожибоевни «ишчан, чапани одам», дейишди. Эътироз йўқ. Раҳбар кишида ишчанлик фазилати бўлгани нур устига аъло нур. Биринчи раҳбарнинг дала айланишу шудгордан бўлак яна талай ташвишлари бор. Аввало, одамларнинг тақдири, туриш-турмуши, маиший аҳволи ҳақида қайғуриш лозим. Ижарачи Ёқубов, ким бўлишидан қатъий назар, шу юртнинг фуқароси. У тўрачилик қурбони бўлди, қонуний ҳуқуқи топталди, оиласи моддий зарар кўрди. Ҳокимлик эса бундан бехабар. Прокуратура жим...

Янгийўлдан қайтаётганимда ёмғир аралаш қор ёға бошлади. Мудроқ ва қорамтир далаларга тикилиб, аросатда қолган Р. Ёқубовнинг ўксик қиёфасини, унинг пайҳон этилган экинзорини кўз олдимга келтирдим. Эл-юрт дастурхонини безаши мумкин бўлган шунча неъмат тупроққа қоришиб ётибди. Унинг тақдири нима бўлади?

Адолат мезони битта — қонун. Ишонамизки, туманда ушбу масалани холисона, қонуний ҳал этишга қодир куч топилади.

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

# РУМИНИЯ МИЛЛИЙ КУНИ

***шу йилнинг 1 декабрида мамлакат халқи томонидан саксонинчи марта нишонланди. Ушбу миллий байрам 1918 йилда ягона румин давлати ташкил этилишининг якуни билан боғлиқ.***

Румин давлатчилигининг вужудга келиши узоқ ўтмишга эга ва асрлар қаърига бориб тақалади. Мамлакатнинг ҳозирги номи расмий жиҳатдан 1862 йилдан буён мавжуд. 1877 йилда унинг мустақиллиги эълон қилиниб, 1881 йилда эса Руминия қиролликка айланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат 1944 йилнинг августида ағдариб ташланган Антонеску диктатурасини бошидан кечирди. 1947 йилнинг декабрида монархия тугатилган бўлса-да, мамлакат тараққиётига Чаушескунинг тоталитар режими салбий таъсир кўрсатиб келган.

1989 йилнинг декабрь ойида мазкур режим қўзғолончи халқ томонидан ағдарилганидан сўнг мамлакатда демократик жамият қуриш амалга оширила бошланди. Ҳозирги Руминия — 1991 йилги Конституцияга мувофиқ — унитар, ҳуқуқий демократик ва ижтимоий давлат. 1996 йилдан буён Президент Э. Константинеску давлат раҳбаридир.

Бозор муносабатларига ўтиш натижасида мамлакатда сўнгги йилларда Жанубий Корея, Италия, Германия ва бошқа хорижий давлатлар сармоялари иштирокида саккиз мингдан ортиқ қўшма корхоналар тузилди. Ҳар йили миллионлаб хорижлик сайёҳларнинг келишидан давлат хазинасига анчагина даромад тушади.

Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Зеро Руминия археологик ва меъморчилик обидаларида ўз аксини топган жуда ҳам бой маданият ва тарихий ўтмишга эга, ўзининг музейлари билан машҳур. Мамлакатга ташриф буюрувчиларнинг сўзларига қараганда, «боғлар шаҳри» номини олган Бухарестда бўлган ҳар бир кишида унга нисбатан романтик муҳаббат пайдо бўлади. Бундай туйғунинг пайдо бўлишида унинг бетакрор манзараси ва кўрки: эски шаҳарнинг афсонавий бинолари-ю, замонавий кварталлари муҳим роль ўйнайди. Маҳаллий аҳолининг хушчақчақлиги ҳам сайёҳлар эътиборини жалб этади. Пойтахт номининг руминча «букурие» — хушчақчақ сўзига ҳамоҳанлиги ҳам бежиз эмас.

1995 йилнинг октябрь ойида мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган ҳар икки томоннинг интилишида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунга келиб имзоланган ўнга яқин икки томонлама ҳужжатлар, жумладан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида, инвестицияни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик, ҳаво қатнови, илмий-техникавий ҳамкорлик, темир йўл, автомобиль транспорти ва транзит соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар амалда. Ушбу шартномавий-ҳуқуқий пойдеворга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил июнь ойида Румынияга қилган ташрифи чоғида асос солинган эди. Мазкур ташриф икки мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолди.

Ўзбек истеъмолчилари сифатли румин маҳсулотларини яхши биладилар. Булар мебель, дори-дармонлар, оёқ кийимлари, енгил саноат ва бургулаш ускуналари, махсус хизмат автомобиллари, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотларидир. Румин томони бундай маҳсулотларни етказиб беришни йўлга қўйиш ва уни кўпайтиришдан, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг бундай соҳаларида экспортбоп қўшма корхоналарнинг очилишидан манфаатдор.

Айни пайтда мамлакатимизда учта ўзбек-румин қўшма корхонаси, мебель ишлаб чиқариш бўйича «Аҳмад Яссавий», тиббий ва истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи «Саломат» ва илмий-ишлаб чиқариш ҳамда савдо-молиявий фаолият билан шуғулланувчи «Спринг-тайм» корхоналари муваффақиятли фаолият олиб бормоқдалар.

Мамлакатларимиз ТРАСЕКА лойиҳаси доирасида ҳам муваффақиятли ҳамкорлик қилишмоқда. Румин денгиз бандаргоҳлари ва темир йўллари Ўзбекистон билан Европа мамлакатларини туташтирувчи транспорт йўлагининг муҳим бўлаги ҳисобланади.

Сиёсий алоқалар ривожланмоқда. Октябрь ойида Румыния парламенти делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар барча соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада чуқурлашишига имкон беради.

**Сергей ҚУРБОНОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**



*Франция. Миллий мажлис биноси.*

## ФАЛАСТИНГА ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ

**ВАШИНГТОН. Халқаро ҳамжамият яқин беш йил ичида Фаластин Мухториятига 3 миллиард АҚШ доллари миқдорида иқтисодий ёрдам ажратади. Бу ҳақда АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Вашингтонда бўлиб ўтган халқаро анжуманда маълум қилди. Унда Канада, Япония, Европа ҳамда араб дунёси мамлакатлари вакиллари иштирок этди.**

**Анжуман иштирокчилари бу таклифни қўллаб-қувватлаб, Фаластин Мухториятининг иқтисодий ривожи ҳамда гуллаб-яшнаши Яқин Шарқда тинч ва барқарор вазиятни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этажагини таъкидлади.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**ЛОНДОН. Буюк Британия 350 нафар ҳарбийни Македонияга жўнатишга қарор қилди. Улар қўшни Косово ўлкасида фаолият кўрсатаётган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти кузатувчилари хавфсизлигини кафолатлаш билан бир вақтда, албан қочқинларини ўз турар жойларига қайтариш ва инсонпарварлик ёрдамларини мўлжалланган манзилларга етказиш тадбирларини назорат қилади.**

* * *

**ҚОҲИРА. Ироқ ҳукумати араб мамлакатлари раҳбарларини Бағдодга нисбатан қўлланилаётган халқаро иқтисодий жазо чоралари қоидаларига риоя қилмасликка чақирди. Бу ҳақда Ироқ адлия вазири Шабиб ал-Малик баёнот берди.**

* * *

**ПЕКИН. Хитой халқаро ҳамжамиятнинг бошқа аъзолари қатори ҳамиша Яқин Шарқда тинчлик қарор топиши ҳамда минтақадаги зиддиятларни тинч йўл билан бартараф қилиш йўлини қўллаб-қувватлайди, деб баёнот берди Хитой давлат кенгаши раҳбари Чжу Жунцзи.**

**(ЎзА)**

## Акционерлик жамиятлари, концернлар, саноат корхоналари, чет эл фирмалари, кичик ва ўрта бизнес раҳбарларига

*«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизимини яратиш, ривожлантириш вазифаларини бажариш мақсадида ҳукумат қарори билан республикада 930 дан ортиқ янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қуриш, мавжуд бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ва бошқа 860 га яқин биноларни реконструкция қилиш белгиланган. Шу мақсадда давлат бюджетидан ва бошқа манбалардан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан 1999 ва ундан кейинги йилларда янги ташкил этиладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини замонавий, сифатли ўқув-лаборатория анжомлари ҳамда мебеллар билан жиҳозлаш учун, уларни харид қилиш мақсадида тендер эълон қилинади. Булар: ўқув парталари, столлар, стуллар, китоб жавонлари, кутубхона учун жавонлар, бир ва икки тумбали столлар, физика ва химия лаборатория столлари, химия хоналари учун ҳаво тортувчи шкафлар, компьютер столлари, аудитория доскалари, ётоқхона учун мебеллар тўплами (комплект), гигиеник муҳофазаланган овқатланиш столлари, гардероб учун кийим осгич илгаклар (вешалка), спорт анжомлари ва жиҳозлари, ошхоналар учун савдо технологиялари ускуналари, фаоллар зали креслолари ва ҳоказолар.*

*Машинасозлик, транспорт ва алоқа, қурилиш ва коммунал хўжалик, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий, иқтисодий ва маиший хизмат йўналишлари бўйича мутахассисларни ўргатиш ва тайёрлаш мақсадида асбоб-ускуналар, мосламалар, умумтаълим ва махсус фанлар бўйича ўқув кўргазма қуроллари (ўлчов асбоблари, реактивлар, идишлар, муляжлар ва ҳ.к), компьютерлар ва аудио-видео техникалари, тренажёрлар, станоклар ва бошқа ёрдамчи дастгоҳлар.*

*Буюмларни танлаш мақсадида кўргазмалар ташкил этилади:*

*1. 1998 йил 10 декабрь соат $10^{00}$ дан $18^{00}$ гача.*

*Мебель, спорт анжомлари турлари ва ошхоналар учун савдо-технология ускуналари гуруҳи бўйича.*

***Манзил: Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, Тошкент давлат университети маданият саройи биносида.***

*2. 1998 йил 11 декабрь соат $10^{00}$ дан $18^{00}$ гача.*

*Умумтаълим ва махсус фанлар бўйича ўқув кўргазмали қуроллари (ўлчов асбоблари, реактивлар, идишлар, муляжлар ва ҳ.к), компьютер ва аудио-видео техникалар гуруҳи бўйича.*

***Манзил: Тошкент ш., Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй. Тошкент алоқа коллежи биносида.***

*3. 1998 йил 12 декабрь соат $10^{00}$ дан $18^{00}$ гача.*

*Асбоб-ускуналар, мосламалар, тренажёрлар, ўқув-лаборатория анжомлари, макетлар, станоклар ва ёрдамчи дастгоҳлар гуруҳи бўйича.*

***Манзил: Тошкент ш., Охунбобоев кўчаси, 12-уй. Тошкент авиация коллежи биносида.***

*ЭСЛАТМА: йирик габаритли станоклар ва жиҳозлар ўрнига ёзма техник тавсифномали эскизлар ёки 20х30 см ўлчамдаги расмлар кўчирмаси танлаш мақсадида кўргазмага қўйилади.*

*Танлаб олинган буюмларга ишлаб чиқиш ва харид қилиш учун шартномалар тузилади.*

*Тендер ғолибларига катта миқдордаги маблағ билан таъминланган давлат буюртмаси кафолатланади.*

*Барчангизни ушбу кўргазмага таклиф этиб, маҳсулотларингизни ўз вақтида етказишингизни сўраймиз.*

***Маълумот учун телефонлар: 139-16-84, 139-10-85, 139-10-73, 139-16-06, факс: 139-43-86, 139-16-48.***
***Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.***

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 1 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

**1 АҚШ доллари 108,85 сўмни ташкил этди...**

***Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

# АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ конгрессмени Жозеф Питц раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Учрашув чоғида меҳмонлар мамлакатимизда кечаётган сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий жараён билан таништирилди. Томонлар минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар, халқаро миқёсдаги муаммолар бўйича ўзаро фикр алмашди.

* * *

АҚШ делегацияси аъзолари Ўзбекистон Молия вазирлигида ҳам бўлди.

Вазир Рустам Азимов меҳмонларга юртимизда молия ва банк соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўзлаб берди. У Ўзбекистоннинг халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқалари хусусида алоҳида тўхталди. Шунингдек, Республикамизда хорижий шериклар билан ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, жумладан, АҚШнинг қатор йирик компаниялари билан тузилган қўшма корхоналар республикамизда муваффақиятли фаолият кўрсатаётганига эътибор қаратди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида банк-молия соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувларда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Пресел ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

## ЯНГИ ГУЗАРЛАР



Кейинги пайтда Сурхондарёда янги гузарлар қуриш урфга айланиб қолди, десак янглишмаймиз. Ҳозир вилоятда янги қурилган 17 та савдо гузари, 8 та савдо маркази ишлаб турибди. Вилоят «Матлуботсавдо» компанияси бу қурилиш ишларига 1998 йилда 100 миллион сўмлик капитал маблағ сарфлади. Аҳамиятли томони шундаки, сарфланган маблағларнинг ҳаммаси шу тизимдаги корхоналар ҳамда ишловчиларга тегишлидир. Натижада 2200 квадрат метрлик гузар таркибида 710 ўринли ошхона ва чойхона, савдо марказлари, музқаймоқ, яхна ичимликлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлар бунёд этилди. Ана шулар ҳисобига 290 киши янги иш ўрнига эга бўлди. Бу борада, айниқса, Жарқўрғон туманида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Янги қуриб битказилган «Меҳнат-роҳат», «Исмоил тепа», «Қаноат», «Ўзбекистон» гузарларидаги савдо марказлари жарқўрғонликлар мушкулини осон қилмоқда. Шу боис яқинда вилоят ҳокимлиги қарорига мувофиқ бошқа туманларга ўрнак бўлиши учун бу ерда кўргазмали семинар-кенгаш ўтказиш режалаштирилди. Вилоят «Матлуботсавдо» компаниясининг бу ташаббуси Сурхондарёда кенг ёйилса ажабмас.

**СУРАТЛАРДА: туманда барпо этилган янги гузарлар.**

